

«КЕЛИШИЛГАН»
Касаба уюшмаси раиси

_____ **Ж. Улашев**

" ____ " апрель 2018 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Самарқанд вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи

_____ **Ж. Мийлиев**

" ____ " апрель 2018 й.

Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ва унинг қўйи тизимлари ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш, устамалар, мукофотлар, қўшимча тўловлар, рағбатлантириш
тарзидаги ва бошқа тўловлар тўғрисидаги

НИЗОМ

Умумий қоидалар

Самарқанд вилоят статистика бошқармаси ходимларини меҳнатига ҳақ тўлаш, устамалар, мукофотлар, қўшимча тўловлар, рағбатлантириш тарзидаги ва бошқа тўловлар тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) юқори самарали меҳнатга интилишни кучайтириш ва ходимларнинг ўз касб маҳоратини оширишдан манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли, 2017 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 690-сон, 1996 йил 12 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида”ги 147-сонли қарорлари ҳамда Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) Жамоа шартномаси асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу Низом Бошқарма бўлимлари ходимларига лавозим маошларини, лавозим маошларига устама ҳақларни белгилаш, мукофотлаш, қўшимча ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, овқатланиш ва йўлқира ҳақини қисман қоплаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловларини тўлаш тартибларини, шунингдек, ҳудудий статистика бўлими бошлиқларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомда назарда тутилмаган бошқа тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низомда келтирилган тўловлар билан боғлиқ харажатлар Давлат статистика ишлари дастурини бажариш учун ажратилган маблағлар, молия-хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, Бошқарманинг Махсус жамғармаси маблағлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тежаш ҳисобига қолган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Ходимларнинг лавозим маошлари, бошқарув ходимларининг лавозим маошларига устама ҳақлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-4377-сон Фармони) ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан ташқари ушбу Низомда назарда тутилган тўловлар Бошқарманинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади.

I. Меҳнатга ҳақ тўлаш

1. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари бошқарув ходимларининг лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сонли қарорининг тегишли иловаларида белгиланган Ягона тариф сеткасининг меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффицентлари асосида, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимлари (хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар) лавозим маошлари миқдорлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси разрядларига, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига мувофиқ белгиланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилади.

Бунда:

автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг тариф ставкаларига 1,228 оширувчи соҳа коэффицента қўлланилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 8 январдаги 1-қарори билан тасдиқланган, ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарини ягона тариф сеткаси бўйича Меҳнатга ҳақ тўлашга ўтказиш бўйича тавсиялар);

дезинфекциялаш воситаларини ишлатувчи, шунингдек жамоат хожатхоналарини тозаловчи хизмат хоналари фаррошларининг ойлик маошлари 10 фоизга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 2001 йил 18 январдаги 14142/03-2-сон билан тасдиқланган, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ва илгари ойлик маошлари ўрнатилган айрим касблар вақтбай ишчиларининг Меҳнатини тарификациялаш бўйича тавсиялар).

II. Лавозим маошига устама ҳақ

2. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларида биринчи марта ишга қабул қилинган (тайинланган) бошқарув ходими лавозим маошига устама ҳақ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-4377-сон Фармонининг 6-бандига асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари учун белгиланган 40% миқдорида белгиланади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида қайд этилган устама ҳақни белгилаш бошқарув ходимини ишга қабул қилиш (тайинлаш) тўғрисидаги Бошқарма буйруғи билан расмийлаштирилади.

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида қайд этилган устама ҳақларни тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурини молиялаштириш доирасида амалга оширилади.

4. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг молия-хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, Бошқарманинг Махсус жамғармаси маблағлари ва Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тежаш ҳисобига қолган маблағлар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимларнинг алоҳида тоифаларига ўз вазифаларини сифатли ва виждонан бажарганликлари учун устама ҳақлар ўрнатилиши мумкин.

5. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимлари лавозим маошига биринчи мартда устама ҳақ белгиланадиган бўлса, устама ҳақ улар ишга қабул қилингандан сўнг 3-ойдан бошлаб лавозим маошининг 20% миқдорида ўрнатилади. Енгил автомобиль ҳайдовчиларига ўрнатилган тариф ставкасидан даражаси (класси) учун

- куйидагича ҳар ойлик устама ҳақ ўрнатилади:

- 2- даражали хайдовчиларга - 10 фоиз;

- 1- даражали хайдовчиларга - 25 фоиз;

(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 26 февралдаги 2/19-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти хайдовчилари Меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари”нинг 6-банди).

6. Бошқарув, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимларнинг лавозим маошига устама ҳақлари, уларнинг ойлик лавозим маоши миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда молия-хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, Бошқарманинг Махсус жамғармаси маблағлари ва Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тежаш ҳисобига қолган маблағлар ҳисобидан оширилиши мумкин.

7. Бошқарув ходимлари лавозим маошига ўрнатилган устама ҳақ кўйидагилар учун оширилиши мумкин:

касбий маҳорати учун (масалаларни тезкорлик билан ва малакали ҳал қилиш, ваколатига кирувчи статистик материаллар ва ҳужжатларни сифатли тайёрлаш, иш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва доимий қўллаш, чет тилларни билиш ва фойдаланиш ва ш.к.);

ҳалқаро стандартларга мувофиқ методик услубий инструментарийни такомиллаштириш ва статистик кузатувлар амалиётига қўшган ҳиссаси, статистик ахборотларни тайёрлаш сифатини яхшилагани учун;

лавозим вазифаларини сифатли бажарганлиги учун, жумладан одатий бўлмаган шароитларда (мураккаб, ўта муҳим, шошилиш, алоҳида режим);

ёш мутахассисларга устозлик қилиши ва уларнинг касбий маҳоратини оширишдаги самарали иштироки учун.

8. Устама ҳақнинг аниқ миқдорини ўрнатиш, бекор қилиш, ошириш, камайтириш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-4377-сон Фармони билан ўрнатилган устама ҳақдан ташқари), Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг устама ҳақ белгилаш бўйича доимий ишловчи махсус комиссияси (кейинги ўринларда Махсус комиссия деб аталади) қарорига асосан Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлар буйруғи билан расмийлаштирилади.

9. Бошлиқ, бошлиқ ўринбосарлари ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари (кейинги ўринларда Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарияти деб аталади) тавсияси, ротация билан лавозимга қабул қилинганда (тайинланганда) айрим бошқарув ходимларига устама ҳақ, ходим ишга қабул қилинган (тайинланган) ойдан бошлаб Махсус комиссия қарорига асосан 40%дан юқори миқдорда белгиланиши мумкин.

10. Ушбу Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда йил мобайнида айрим ходимлар лавозим маошига, Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарияти, бўлим бошлиқларининг асосланган таклифлари бўйича, Махсус комиссиянинг қарорига асосан устама ҳақ миқдори оширилиши ёки лавозим вазифалари лозим даражада бажарилмаганда, шунингдек касба уюшма билан келишилган ҳолда Меҳнат интизомини бузиш ҳолатларида камайтирилиши ёхуд бекор қилиниши (бошқарув ходимларининг лавозим маошларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-4377-сон Фармони билан ўрнатилган устама ҳақдан ташқари) мумкин.

III. Мукофотлар

11. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимларини мукофотлаш статистика фаолияти самарадорлигини ва бажарилаётган ишлар сифатини, Меҳнат натижасидан манфаатдорликни ошириш, касб маҳорати, ижодий фаоллик ва ташаббускорликни намоён қилишга шароит яратиш, байрамлар муносабати билан моддий қўллаб-қувватлаш, ёш ва малакали кадрларни жалб қилиш ва уларнинг ўрнашиб қолиши мақсадида амалга оширилади.

Мукофотлаш Давлат статистика ишлари дастурини бажариш учун молиялаштирилладиган маблағлардан шу мақсадлар учун ажратилган қисми, молия- хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар, Бошқарманинг Махсус жамғармаси маблағлари ва Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тежаш ҳисобига қолган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Ходимларга мукофотлар ҳар ойда, бир марталик, байрамлар муносабати билан бир вақтнинг ўзида ҳаммага ёки айрим ходимларга тўланиши мумкин.

12. Ойлик мукофотнинг таянч миқдори, Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиғи томонидан, Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлимининг ҳисоб-китоблари асосида, лекин устама ҳақ қўшилган ҳолдаги ойлик лавозим маошининг 100 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

13. Ходимларни ойлик иш натижалари бўйича мукофотлаш қуйидаги фаолият кўрсаткичлари бўйича белгиланади:

Давлат статистика ишлари дастурини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини, Давлат статистика кўмитасининг иш режаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, шунингдек фойдаланувчиларнинг сўровлари бўйича қўшимча статистик ахборотларни тайёрлаш;

статистик инструментарийни, жумладан фаолиятни дастурий-техник ва меъёрий таъминлашни қўшган ҳолда, ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
фаолиятни ўз вақтида ва сифатли техникавий таъминлаш;
меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиш.

Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларида етарли маблағлар мавжуд бўлганда, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ўз вазифаларини виждонан бажарганликлари, бажарилган иш сифатига нисбатан эътирозлар йўқ бўлган ва Меҳнат интизомини бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда ойлик иш якунлари бўйича мукофот берилиши мумкин.

14. Ойлик мукофот ходимга (ишга янги қабул қилинган (тайинланган)лар учун - ишга қабул қилингандан (тайинлангандан) сўнг 3-ойдан бошлаб) мукофотлаш даврида ҳақиқатда ишлаган иш кунини ҳисобга олиб, ходимнинг лавозим маоши ва лавозим маошига ўрнатилган устама ҳақи йиғиндисига нисбатан фоизда ҳисобланади.

Бошқарма раҳбарияти тавсияси билан, шунингдек Бошқарманинг қуйи тизими бўлинмаларидан ишга янги қабул қилинган (тайинланган) ходимлар учун ойлик мукофот ишга қабул қилингандан (тайинлангандан) сўнг 2-ойдан бошлаб ҳисобланади.

Ойлик мукофотни ҳисоблашда, ҳисобланадиган даврга ходимнинг хизмат сафарларида бўлган вақти, давлат ва жамият вазифаларини бажариш, иш берувчи ва Меҳнат жамоаси манфаатларига доир ҳаракатларни қилиш учун сарф қилган вақти қўшилади.

Ойлик мукофотни ҳисоблашда, ходимнинг ҳақ тўланадиган йиллик Меҳнат таътилида, иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилладиган таътилда, ижтимоий таътилда, шунингдек вақтинча Меҳнатга лаёқатсизлиги даврида бўлган вақти чиқариб ташланади.

15. Ходимларни ойлик иш якунлари бўйича мукофотлаш миқдори даражаси (таянч миқдорда, ундан кўп ёки кам миқдорда) бўйича таклифлар Бўлимларнинг баённомаси билан расмийлаштирилиб, тасдиқлаш учун Бошқарма ва туман (шаҳар) раҳбариятига киритилади.

16. Бошқарманинг бошлиқ ўринбосарлари ва туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари ойлик иш якунлари бўйича мукофотлаш миқдори даражаси Бошқарма бошлиғи томонидан белгиланади.

17. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлим мутасадди раҳбарларининг (бошлиқ ва унинг ўринбосарлари) таклифи билан ойлик мукофотнинг миқдори ходимнинг қўшган шахсий ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда оширилиши, шунингдек ходим ўз лавозим вазифаларини (топшириқлар, статистика ишларини) сифатли ва ўз вақтида бажармаганда ҳамда касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда Меҳнат интизомини бузиш ҳолатларида камайтирилиши ёхуд бекор қилиниши мумкин.

18. Бошқарма раҳбариятини ойлик мукофотлаш миқдори Раис томонидан, туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари Бошқарма бошлиғи белгиланади.

19. Ходимларни ойлик иш якунлари бўйича мукофотлаш, ҳар бир (мукофотлаш тўғрисидаги буйруқ чиқарилаётган сана ҳолатига Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлим билан Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимлар бундан мустасно) ходимга ойлик мукофотнинг аниқ миқдорини кўрсатган ҳолда, Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлим буйруғи билан расмийлаштирилади.

20. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг айрим ходимларига куйидаги ҳолларда бир марталик мукофот тўланиши мумкин:

қўшимча ўта муҳим ва мураккаб ишлар учун;

статистика фаолиятини такомиллаштириш ва статистик материалларни тайёрлашда фаол иштироқи учун;

жамоатчилик ишларидаги ютуқлари учун;

самарали ва бенуқсон иши учун;

пенсияга чиқиши муносабати билан.

Бир марталик мукофот, ходимнинг устама ҳақ қўшилган ҳолдаги ойлик лавозим маошининг 100 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоргача берилади.

Бир марталик мукофотни тўлаш тўғрисидаги қарор Бўлим бошлиқларининг ва касаба уюшмаси билан келишилган таклифлари асосида Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлим буйруғи билан расмийлаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 131-моддасида белгиланган байрам (ишланмайдиган) кунлар муносабати билан Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан барча ходимларга ёки айрим ходимларга байрам мукофоти берилиши мумкин.

Байрам муносабати билан бериладиган мукофот ходимга устама ҳақ қўшилган ҳолдаги ойлик лавозим маошининг 100 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоргача берилади.

Мукофотнинг миқдори ва тўланиши тўғрисидаги қарор Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлимининг ҳисоб-китоблари ҳамда касаба уюшмаси илтимосномаси асосида Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари буйруғи билан расмийлаштирилади.

IV. Қўшимча ҳақ

22. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга, улар билан тузилган Меҳнат шартномасига асосан ва/ёки Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг буйруғи билан расмийлаштирилган ҳолда, бир неча касб ва лавозимда ишлаганлиги, уларнинг хизмат кўрсатиш зонаси кенгайтирилганлиги ва/ёки бажариладиган ишлар ҳажми кўпайтирилганлиги учун қўшимча ҳақ тўланади.

Бунда, бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча

касб ва лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50 фоизидан ортиқ булиши мумкин эмас.

V. Рағбатлантиришлар

23. Меҳнат мажбуриятларини тегишли равишда бажариш, Меҳнатда юқори натижаларга эришиш, Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларида узоқ муддат намунали ишлаш ва ишдаги алоҳида бошқа ютуқлари учун ходимларга қуйидаги рағбатлантиришлар қўлланиши мумкин:

узоқ муддат ишлаганлиги, юбилей санаси муносабати билан, Меҳнатда юқори натижаларга эришганлиги, ишдаги алоҳида бошқа ютуқлари учун ҳамда олий ва касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини шогирдликка олган Устоз ходимларни пул мукофоти билан тақдирлаш;

ходимга меҳнат таътили (режа асосида) берилган вақтда, унинг оила аъзолари билан биргаликда саёҳат қилиш ва дам олишига (ички туризмга) туристик йўлланмалар бериш;

Меҳнатда юқори натижаларга эришганлиги, ишдаги алоҳида бошқа ютуқлари учун ходимларнинг жамоавий саёҳат қилиш ва дам олишига (ички туризмга) туристик йўлланмалар бериш;

Бошқарма ўринбосарлари, туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари ва/ёки бошқарманинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларининг тавсиялари асосида, ишда алоҳида ўрнатилган кўрсатиб ишлаётган ходимларга уларнинг оила аъзолари билан (бундай ходимлар орасидан пенсионер ходимлар, фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган она (ота)лар, ёш ходимларга устуворлик асосида) “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида туристик-экскурсия турлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатларни бошқарманинг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан узаро тенглик асосида қоплаган ҳолда йўлланмалар бериш;

йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлаш;

қимматбаҳо совға билан тақдирлаш;

фаҳрий ёрлик билан тақдирлаш.

24. Ходимни рағбатлантириш Бўлим бошлиқларининг ҳамда касаба уюшмаси билан келишилган ҳолдаги рағбатлантириш тури ва асослари баён қилинган таклифи асосида амалга оширилади (йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлашдан ташқари).

25. Ушбу Низомнинг 23-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган пул мукофоти билан тақдирлаш миқдори ходимнинг устама ҳақ қўшилган ҳолдаги ойлик лавозим маошининг 100 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоргача белгиланиши мумкин.

26. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг молия-хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар мавжуд бўлганда, ходимлар календарь йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирланишлари мумкин.

Йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлаш тўғрисидаги қарор бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлимининг ҳисоб-китоблари ва касаба уюшмаси илтимосномаси асосида қабул қилинади.

27. Йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлаш, календарь йил давомида олти ойдан ортиқ ишлаётган (тақдирлаш масаласи кўриб чиқиладиган вақтда Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари билан Меҳнат шартномаси бекор қилинмаган) ходимларга нисбатан қўлланилади.

Бунда, тақдирлаш масаласи кўриб чиқиладиган вақтда олти ойдан ортиқ муддатга ишдан

ажралган ҳолда ўқишда (малака ошириш, қайта тайёрлашда) бўлган ходимлар ҳисобга олинмайди.

Ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган бошқа айрим сабабларда (ишдан четлаштириш, ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин Меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳолатлари ва х-к.) ҳам йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлаш амалга оширилмаслиги мумкин.

28. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлими йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлашга йўналтирилаётган даромадлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ходимни рағбатлантириш билан тақдирлаш миқдорини ҳисоблайди.

Ҳисоб-китоблар, ходимнинг лавозим маоши (қўшимча ҳақи), лавозим маошига устама ҳақи ва ҳар ойлик мукофотини қўшган ҳолда ҳисобот йилида ҳақиқатда ҳисобланган Меҳнат ҳақидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларга Меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, ишлаётган пенсионерларнинг пенсияси, компенсация тўловлари, моддий ёрдамлар, барча турдаги таътиллари учун тўловлар, аввалги йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлаш тўловлари, бир марталик мукофот ва байрам муносабати билан берилган мукофот тўловлари киритилмайди.

29. Йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлашнинг аниқ миқдори, тақдим қилинган ҳисоб-китоблар асосида, Бошқарма бошлиғи томонидан белгиланади.

Йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлаш миқдори аниқдангандан сўнг ва етарли молиявий маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, айрим ходимларга Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятига қўшган шахсий ҳиссаси учун Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари мутасадди раҳбарининг таклифи асосида йил учун иш якунлари бўйича пуллик рағбатлантириш билан тақдирлаш миқдори оширилиши мумкин.

30. Рағбатлантириш тури, унинг миқдори ва тўланиши тўғрисидаги қарор Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари буйруғи билан расмийлаштирилади.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 264-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг мансабдор шахсларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарияти (Бошлиқ, бошлиқ ўринбосари ёки бўлим бошлиқлари)га интизомий жазо чораси қўлланилганда, интизомий жазо чораси амал қилиши даврида Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилмаган мукофотлар тўланмайди, шунингдек рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

32. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарияти (Бошлиқ, бошлиқ ўринбосари ёки туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 264-сон қарори билан тасдиқланган низомга асосан расман огоҳлантириш берилганда, ушбу низомга мувофиқ бериладиган рағбатлантириш бўйича тўловлар миқдорлари камайрилиши мумкин.

33. Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарияти (Бошлиқ, бошлиқ ўринбосари ёки туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари)га интизомий жазо чораси қўлланилиши, расман огоҳлантириш билан боғлиқ оқибатлар ваколатли органнинг тегишли ҳужжатида мувофиқ

Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиғи томонидан қабул қилинган буйруққа асосан амалга оширилади.

VI.I. Транспорт ва озиқ-овқат харажатлари учун пуллик тўловлар

34. Ҳар ойда ходимларнинг ўтган ойдаги ишга келиб-кетиш транспорт ва озиқ-овқат харажатларини қисман қоплаб бериш мақсадида, Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ходимларга ҳақиқатда ишлаган иш кунларини ҳисобга олиб, ҳар ойлик пуллик тўлов тўланади.

Ходимларнинг транспорт ва озиқ-овқат харажатлари учун пуллик тўлов миқдори касаба уюшма илтимосномаси асосида белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдори оширилганда қайтадан кўриб чиқиши мумкин.

35. Ходимларнинг транспорт ва озиқ-овқат харажатларини қисман қоплашга пуллик тўлов молия-хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар ва Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тежаш ҳисобига қолган маблағлар ҳисобидан тўланади.

VI. II. Моддий ёрдам тўловлари

36. Мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ходимларни моддий қўллаб-қўвватлаш ва ижтимоий химоялашни кучайтириш мақсадида, ходимларга куйидаги моддий ёрдамлар берилиши мумкин:

ходим касал бўлганда даволаниш харажатлари учун;

биринчи мартаба оила қуриш муносабати билан;

ходим ёки унинг оила аъзолари (эри (хотини), фарзандлари, ота-онаси) вафот этганлиги муносабати билан;

фавкулотда вазиятлар (бахтсиз ходисалар) юз берганлиги муносабати билан.

37. Ушбу Низомнинг 36-бандидаги моддий ёрдам тўловлари, ҳар бир аниқ ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига мувофиқ ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 3-5 баравари миқдори доирасида Бошқарма бошлиғи томонидан белгиланади.

Айрим ҳолларда, ходимнинг оилавий шароити, юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам миқдори Бошқарма бошлиғи томонидан оширилиши мумкин.

Моддий ёрдам, Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари мутасадди раҳбарияти касаба уюшма билан келишилган, шунингдек зарур ҳолларда асослантирувчи ҳужжатлар илова қилинган ходимнинг аризаси ёки у ишлаётган Бўлим бошлиғининг билдиришномаси асосида, Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари буйруғи билан тўланади.

38. Ҳар йили куз мавсумида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун касаба уюшма тавсиясига мувофиқ ходимларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

39. Куз мавсумида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун ходимларга бир марталик моддий ёрдам тўлови барча ходимларга бир ҳил миқдорда Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари буйруғи билан тўланади.

Куз мавсумида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун ходимларга бир марталик моддий ёрдам тўлови буйруқ чиққан санада олти ойдан ортиқ муддатга ишдан ажралган ҳолда ўқишда (малака ошириш, қайта тайёрлашда), бола парваришlash таътилида бўлган, ходимнинг ҳошишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллار берилиб, ундан кейин Меҳнат муносабатларини бекор қилиш келишилган ходимларга берилмайди.

VI.Ш Кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари

40. Кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида, бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларининг жамоа шартномаси, ички Меҳнат тартиб қоидаларида ва бошқа локал меъёрий ҳужжатларида белгиланган шароит ҳамда ҳолатлар мавжуд бўлганда, уларда ўрнатилган шартларда тўланади.

Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиғининг розилиги билан ва Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари манфаатлари йўлида ходим Меҳнат вазифаларини бажариш учун ўзига тегишли мулкдан фойдаланганда мулкнинг амортизацияси ва ундан фойдаланганлик учун қилинган бошқа харажатлар ўзаро ёзма келишув асосида иш берувчи ҳисобидан тўланади.

41. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 172-моддасида кўзда тутилган тартибда, ходим агарда Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиғининг таклифига кўра бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда кўйидагилар тўланади:

кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан хизмат сафари харажатлари ваколатли органлар томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

42. Кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари буйrugига асосан тўланади.

VII.Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдорларини ўрнатиш

43. Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдорларини ўрнатиш, ошириш, камайтириш, бекор қилиш (бошқарув ходимларининг лавозим маошларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-4377-сон Фармони билан ўрнатилган устама ҳақдан ташқари), масаласининг ҳар бир ҳолати, тегишли Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари мурожаати ёки Бошқарма раҳбариятининг тавсияси асосида Вилоят статистика бошқармасининг махсус ишчи комиссия йиғилишида кўриб чиқилади ва Бошқарма бошлиғи таклиф киритилади.

Махсус ишчи комиссияси таклифи Бошқарма бошлиғи томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Қабул қилинган қарор ҳақида тегишли Туман ва (шаҳар) статистика бўлимларига ёзма равишда маълум қилинади.

44. Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари лавозим маошларига белгиланган устама ҳақларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

VIII. Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш

45. Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқларини мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласининг ҳар бир ҳолати, тегишли Туман ва (шаҳар) статистика бўлимларини мурожаати асосида, Вилоят статистика бошқармасининг махсус ишчи комиссия йиғилишида кўриб чиқилади ва Бошқарма бошлиғига таклиф киритилади.

Мукофотлаш, рағбатлантириш ва моддий ёрдам кўрсатиш ушбу Низомнинг 11, 13-бандлари, 20-бандининг биринчи-еттинчи хатбошилари, 23, 25, 36-бандлари ва 37-банднинг биринчи-иккинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар ва шартлар бўйича амалга оширилиши мумкин.

46. Туман ва (шаҳар) статистика бўлими бошлиғи рағбатлантириш ва унга моддий ёрдам кўрсатиш Бошқарма буйруғи билан расмийлаштирилади.

47. Туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқларига тўланадиган мукофот, рағбатлантириш ва моддий ёрдам кўрсатиш тегишли туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда, туман ва (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари Бошқарма ҳисобидан мукофотланиши, рағбатлантирилиши ва уларга моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.